

МАВЗУ: СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАРНИ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ТАКТИК ЖИХАТЛАРИ

Тайёрлади: Жўрақобилов Шамсибек Жўрақобилович

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

магистратура факультети 2-босқич талабаси

Илмий раҳбар: Ражабов Бекзод

“Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини тергов қилишнинг ташкилий ва тактик жиҳатлари”

Аннотация

Ушбу мақолада солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини тергов қилишни режалаштириш, тайёргарлик кўриш, тергов версиялари, режалаштирилаётган тергов ҳаракати орқали ҳал этиладиган вазифалар, жиноятни тергов қилишни режалаштириш тергов қилиш мақсади ва далилларни йиғишнинг самарадор усуллари ҳақидаги тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Аннотация

В статье изложены сведения о планировании и подготовке к расследованию преступления уклонения от уплаты налогов и сборов, версиях расследования, задачах, решаемых планируемым следственным действием, целях планирования расследования преступления, ходе расследования, а также об исследовании эффективных методов сбора доказательств.

Annotation

This article provides information on planning and preparing for the investigation of the crime of tax and fee evasion, investigation versions, tasks to be solved by the planned investigative action, the purpose of planning the investigation of the crime, the investigation, and research on effective methods of collecting evidence.

Калит сўзлар. солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини тергов қилишни режалаштириш, тактик усуллар, тергов версиялари, тергов тусмоллари, тергов вазиятлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ключевые слова. Планирование расследования преступления уклонения от уплаты налогов и сборов, тактические приемы, версии расследования, модели расследования, следственные ситуации и их особенности

Keywords. planning of the investigation of the crime of evasion of taxes and fees, tactical methods, versions of the investigation, forms of the investigation, situations of the investigation and their characteristics.

Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини тергов қилишнинг ташкилий ва тактик жиҳатлари.

Айрим ҳуқуқшунослар жумладан, Ғ.Абдумажидовнинг фикрича, жиноятни тергов қилишни режалаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) мазкур ҳол учун эҳтимол тутилган барча версияларни тузиб чиқиш;
- 2) уларни текширишнинг асосий йўллари ва усулларини белгилаб олиш;
- 3) далилларни ўз ичига олган манбаларни ва далилларни тўплашда ёрдам бериши мумкин бўлган воситаларни аниқлаш;
- 4) мўлжалланаётган тергов ҳаракатлари ва бошқа ҳаракатларни, уларни ўтказиш муддатлари, кетма-кетлиги ва тактик усуллари;
- 5) режалаштирилаётган тергов ҳаракати орқали ҳал этиладиган вазифа;
- 6) уни амалга ошириш вақти, жойи ва иштирокчилари;
- 7) иштирокчилар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши;
- 8) тергов ҳаракатига тайёргарлик кўриш чоғида ўтказилиши зарур бўлган тадбирлар;
- 9) айрим тергов ҳаракатларини бажариш кетма-кетлиги, бунда қўлланилиши мўлжалланаётган тактик усуллар ва техник воситалар;
- 10) тергов ҳаракатига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ташкил этиладиган тезкор-қидирув тадбирлари;
- 11) олинган натижаларни қайд этиш усуллари¹. Кўриб турганингиздек, ушбу муаллиф кўпроқ тергов қилишни режалаштиришга тергов қилиш усули сифатида қарамоқда.

Р.Р.Шакуров, А.М.Раҳимов, Ш.Т.Джуманов, Н.Тоштемировларнинг таъкидлашича, режалаштириш тергов қилиш усули эмас, балки терговни ташкил қилиш воситасидир. Жиноят ишида режа асосан: жиноят ишининг мазмуни бўйича, яъни содир этилган жиноятнинг алоҳида эпизоди; айбланувчиларга нисбатан; ҳудуд бўйича қўзғатилган жиноят ишлари бўйича тузилади².

Д.Р.Тўраева ва О.Д.Алланазаровларнинг қайд этишича, терговни режалаштиришнинг асосий вазифаси жиноят содир этган шахслар ёки жиноятга алоқадор шахслар ҳақидаги ҳақиқатга яқин ва обектив тусмолларни ишлаб чиқиш ва текширишдан иборат³. Ушбу таърифда эса тергов қилишни режалаштириш билан обектив тусмолларни ишлаб чиқиш ва текшириш ўзаро мантикий жиҳатдан боғланмоқда. Шунингдек, тусмоллар фақатгина жиноят

¹ Ғ.А.Абдумажидов ва бошқалар. Криминалистика. – Т.: Адолат, 2003. 213-бет.

² Р.Р.Шакуров, А.М.Раҳимов, Ш.Т.Джуманов, Н.Тоштемиров. Бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. 47-бет.

³ Шакуров Р.Р., Джуманов Ш.Т., Тоштемиров Н., Тўраева Д.Р., Алланазаров О.Д. Криминалистическая методика расследования преступлений: Учебное пособие. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2013. – С.47.

содир этган шахслар ёки жиноятга алоқадор шахслар билан бўйича илгари сурилмайди.

Бизнинг фикримизча, жиноятни тергов қилишни режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- жиноятни тергов қилишни режалаштириш тергов қилиш мақсади ва далилларни йиғишнинг самарадор усулларига боғлиқлиги.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 22-моддасига биноан, суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт. Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексида назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Гумон қилинувчидан, айбланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, қўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Жумладан, терговни режалаштириш тамойиллари – терговнинг негизини ташкил этадиган ва суриштирувчи, терговчи, прокурор учун амал қилинадиган кўрсатмалар аҳамиятига эга бўлган қоидалардир⁴.

Тергов қилишни режалаштиришнинг қонунийлиги тамойили. Жиноят процессуал кодекси 11-моддасига биноан, прокурор, терговчи, суриштирувчи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Конституция, Жиноят процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга қўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процесидида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Ушбу тамойилнинг мазмун-моҳияти юқоридаги ҳуқуқий норма мазмун-моҳиятидан келиб чиқади.

Тергов қилишни режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятга эгаллиги тамойили. Мазкур тамойил тергов қилинаётган жиноят ишларининг ўзига хусусиятлари, яъни, айбланувчининг шахси, жиноятни содир этиши усули ва ҳ.к.лар нуқтайи назаридан келиб чиқади. Яъни, ҳар бир жиноят иши индивидуал

⁴ Ғ.А.Абдумажидов ва бошқалар. Криминалистика. – Т.: Адолат, 2003. 213-бет.

хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли, қайсидир жиноят иши учун тузилган тергов қилишни режалаштириш бошқа жиноят ишини тергов қилишда мос келмаслиги мумкин.

Тергов қилишни режалаштиришнинг ўз вақтидалиги тамойили. Ушбу тамойил асосан, тергов қилишнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, жиноят иши тергов қилиниши бошланган вақтдан бошлаб амалга оширилишини талаб этишида намоён бўлади.

Тергов қилишни режалаштиришнинг динамиклиги тамойили. Ушбу тамойил тергов қилишни режалаштириш доимо ҳаракатда, ўзгарувчан бўлган ақлий жараён эканлигидан келиб чиққан ҳолда, режалаштиришнинг самарадорлигини узлуксизлик, тезкорлик, мобиллик ҳамда эгилувчанлик орқали таъминлашдан иборат.

Тергов қилишни режалаштиришнинг амалга ошириладиган бўлиши тамойили. Мазкур тамойил тергов қилишни режалаштириш тергов ёки суриштирув органида мавжуд жами усул ва воситалардан келиб чиқишида ифодаланади.

Тергов қилишни режалаштиришнинг муайянлиги тамойили. Ушбу тамойил тергов қилиш режасининг терговчи ёки суриштирувчи қўлидаги қўлланма тариқасидаги ўрни билан ифодаланади.

Фаразийлик тамойили. Мазкур тамойил орқали терговчи ёки суриштирувчи обектив тусмоллар ва фаразларни илгари суриш имконияти юзага келишида намоён бўлади.

Тергов қилишни режалаштиришнинг тўлиқлиги тамойили. Ушбу тамойил терговчи ёки суриштирувчи ишнинг барча ҳолатларини ўз ичига олган ҳолда, режа тузиши лозимлигида ифодаланади. Агар ишнинг барча ҳолатлари қамраб олинмаса, тергов қилишни режалаштиришни ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Тергов қилишни режалаштиришнинг аниқлиги тамойили. Мазкур тамойил тергов қилишнинг аниқ вазифаларини белгилаш, тергов тусмолларидан келиб чиққан ҳолда, исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш, процессуал ва бошқа чора-тадбирларни аниқлашни талаб этишида намоён бўлади.

Тергов қилишни режалаштиришнинг тизимлилиги тамойили. Ушбу тамойил тергов қилиш режасида қарама-қаршилик ёки зиддиятларнинг мавжуд бўлмаслигида ўз аҳамиятини намоён этади.

Тергов қилишни режалаштиришнинг оптималлиги тамойили. Мазкур тамойил тергов қилиш жараёнида қарор қабул қилиш ва ҳаракатлар амалга оширилишида баҳолаш фаолияти қўлланилишида намоён бўлади.

Тергов қилишни режалаштиришнинг мажмуавийлиги тамойили. Ушбу тамойил тергов қилишни режалаштиришнинг ҳар қандай босқичида ўзаро келишувга асосланиб, иш тутилиши ёки ўзгартирилишида намоён бўлади.

Тергов қилишни режалаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги тамойили. Мазкур тамойил тергов қилишни режалаштиришнинг асосий мақсади ҳақиқатни аниқлаш принциpidан келиб чиқади.

Бизнинг фикримизча, солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини тергов қилишни режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- терговчи, суриштирувчи солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини тергов қилишни режалаштиришда календар режа, умумий режа ва ҳар бир тергов ҳаракатини олиб бориш учун махсус режа тайёрланиши лозимлиги;

- солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жинояти бўйича суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш режаси жиноят иши қўзғатилгандан сўнг дарҳол тузилиши лозимлиги;

- солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини тергов қилишни режалаштиришда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 9-бобида назарда тутилган исботлашнинг умумий шартлари билан бирга бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013-йил 31-майдаги “Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сон Қарорида назарда тутилган исботланиши лозим бўлган ҳолатларга эътибор қаратиш зарурлиги. Бу ҳолат аксарият жиноят ишларида бир гуруҳ шахсларнинг иштирок этиши, турли хил тусмолларни текшириб чиқиш зарурати, иштрок этиши лозим бўлган шахсларнинг кўплиги, солиқ ва йиғимларни тўлаш мажбурияти бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий аҳволини ўрганишнинг зарурати билан боғлиқ. Шунингдек, исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш учун конкрет тергов ҳаракатларини ўтказишни ҳам режага киритиши мақсадга мувофиқ;

- солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини тергов қилишни режалаштиришда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахснинг психологияси ва шахсига оид хусусиятлари инобатга олиниши лозимлиги.

Хусусусан, жиноятларни тергов қилиш режасини тузишда тергов олиб борилаётган ишнинг хусусиятидан келиб чиқиб ўтказиладиган тергов ҳаракатлари билан бир қаторда, терговчи, суриштирувчи гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишга қаратилган чора-тадбирларни ҳам режага киритиши лозим. Шу мақсадда терговчи томонидан маълумот олиш мумкин бўлган шахсларни сўроқ қилиш ва уларга тавсифномалар олиш каби тадбирлар режага киритилиши мумкин⁵;

⁵ Ищенко Е.П. Криминалистикаю – М.: Юрист, 2000. С. 751.

- солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини тергов қилишни режалаштиришда ишга тегишли бўлган солиқ, божхона, банклар ва бошқа ваколатли органлар билан ҳамкорлик масаласи инобатга олинishi лозимлиги. Хусусан, режада профилактик чора-тадбирлар ҳам ўз аксини топиши лозим;

- солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини тергов қилишни режалаштиришда қатор ташкилий ва тактик хусусиятдаги шароитларни инобатга олинishi лозимлиги. Хусусан, агар тергов ҳаракатларини ўтказишда бир қанча шахслар мавжуд бўлса, уларнинг терговчи олдига келиш вақти шундай тузилиши керакки, улар терговчи хонаси олдига узоқ кутиб турмасин, бу кейинчалик кўрсатмаларнинг тўлиқ берилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Жиноят процессуал ҳуқуқи ва криминалистикада тергов тусмоли (гипотеза, тахмин) – бу терговчи, суриштирувчи, прокурор ёки бошқа процессуал субъект томонидан далилларга асосланган, аммо ҳали тўлиқ исботланмаган хулосадир. Тусмол ҳақиқатни аниқлаш жараёнида ишончли далиллар билан тасдиқланиши ёки рад этилиши мумкин. Тусмол тушунчасига юридик олимлар томонидан ҳар хил таърифлар илгари сурилади. Хусусан, Р.Р.Шакуров, А.М.Раҳимов, Ш.Т.Джуманов, Н.Тоштемировларнинг фикрича, тергов тусмоллари жиноят ва жиноятчилар (ҳодиса жойида топилган излар ва предметлар, жиноят содир этилиши усуллари, жиноятчининг жиноят содир бўлган ҳудуд ҳақидаги маълумотларга эгаллиги даражаси, жиноят сохталаштирилиши имкони мавжудлиги) ҳақидаги терговчида мавжуд маълумотларнинг мажмуидир⁶. В.Й.Коруховнинг фикрига кўра, тергов тусмоллари жиноят содир этилиши ҳолатлари борасидаги терговчининг фактик маълумотларга асосланган тахминларидир⁷. А.В.Шмонин томонидан тергов тусмолига қуйидагича таъриф берилади: “тергов тусмоли алоҳида ҳолатлар (жиноятларни очиш, тергов қилиш ва олдини олиш мақсадига эришишда аҳамаийтга эга ёки эга бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар) ёки улар мажмуи (тўлиқ ёки қисман) борасидаги тергов органи асослантирилган тахминининг мавҳум идеал информатион-мантикий модели бўлиб, шундай ҳолатлар келиб чиқиши ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини тушунтириш мақсадида ишлаб чиқилади⁸.”

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, *тергов тусмоли – тергов ва суриштирувнинг ҳар қандай босқичида шаклланиши мумкин бўлган, терговчи, суриштирувчи, прокурор томонидан ишлаб чиқиладиган, мантикий,*

⁶ Шакуров Р.Р., Джуманов Ш.Т., Тоштемиров Н., Тураева Д.Р., Алланазаров О.Д. Криминалистическая методика расследования преступлений: Учебное пособие. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2013. – С.8.

⁷ Корноухов В.Е. Курс криминалистики. – М.: НОРМА, 2000. – с.758.

⁸ Шмонин А.В. Методика расследования преступлений. Учебное пособие. – М.: ЗАО «Юстицинформ», 2006.

содир этилган жиноят юзасидан йиғилган дастлабки фактик маълумотларга асосланган, текиширувдан ўтказилиши лозим бўлган фараз, гипотеза, тахминдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами. Биринчи жилд. – Тошкент. “Yuridik adabiyotlar publish”, 2023;
2. Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. //Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2016;
3. Ўзбекистон Республикасининг 21.11.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сон Қонуни. // <https://lex.uz/docs/7228758>;
4. <https://sherloc.unodc.org/cld/ru/st/evidence/electronic-evidence.html>;
5. Digital evidence and computer crime by Eoghan Casey. Published by Elsevier Inc. 2011;
6. International Journal of Digital Evidence, Spring 2002 Volume 1, Issue 1: <https://www.utica.edu/academic/institutes/ecii/publications/articles/9C4E695B-0B78-1059-3432402909E27BB4.pdf>;
7. Криминалистика, дарслик. Муаллифлар жамоаси - Тошкент: ДТЮУ;
8. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами. Биринчи жилд. – Тошкент. “Yuridik adabiyotlar publish”, 2023;
9. Шакуров Р.Р., Джуманов Ш.Т., Тоштемиров Н., Тураева Д.Р., Алланазаров О.Д. Криминалистическая методика расследования преступлений: Учебное пособие. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2013
10. Корноухов В.Е. Курс криминалистики. – М.: НОРМА, 2000. –
11. Lex.uz;
12. Proacademy.uz Интернет саҳифалари.